

**Геополитик рақобат шароитида маънавий тарғибот системасини
такомиллаштириш зарурияти.**

Р.Рустамов

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти ўқитувчиси

Аннотация

Мақолада муаллиф геополитик рақобат шароитида маънавий тарғибот системасини такомиллаштириш зарурияти, ёшлар маънавий қиёфасини маънавий-мафкуравий хавф – хатарлардан асрашнинг муҳимлиги ҳақидаа мулоҳаза юритади.

Аннотация

В статье автор размышляет о необходимости усовершенствования системы духовной пропаганды, целесообразность защиты духовного облика молодежи от духовно - идеологических угроз.

Annotation

This article clearly describes the importance of protecting youth from moral threatens at the condition of geopolitical competitions.

Инсоният тарихий тараққиёти давомида жуда кўп босқичларни босиб ўтди. XXI асрнинг энг муҳим хусусиятларидан бири турли давлатлар ўртасида геополитик рақобатнинг кучайганлиги ва бу рақобатда устунликни қўлдан бермаслик учун инсон онги ва қалбини эгаллаш мақсадида бўлган курашнинг авж олганлигидир.

Геополитика (юнонча гео – ер , политика – давлатни бошқариш санъати) деб бирон-бир мамлакатнинг ташқи сиёсатда географик ўрни, ҳудудий жойлашиши, коммуникацион имкониятларини ҳисобга олиб юритадиган фаолиятидир.¹ Геополитика атамаси фанга XIX асрда киритилган бўлсада, у амалда доим мавжуд бўлган. Инсоният тарихида илк давлатларнинг пайдо бўлиши, геополитик рақобатнинг туғулиши десак хато бўлмайди. Қадим

¹ Яхшиликов Ж. Муҳаммадиев Н Миллий ғоя – тараққиёт стратегияси. – Т.: Фан, 2017 – 289 – бет.

замонларданок инсонлар учун қулай иқлимга эга бўлган макон уларнинг кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган. Ва улар ўзлари билмаган ҳолда географик экспедициялар уюштиришган, ўз навбатида ҳар бир одам борган ҳудудининг иқлими ва географиясини ўргана бошлаган. Уйғониш даври, Буюк географик кашфиётлар , ўз навбатида дунё аҳолиси сонинг ўсиши, мустамлакачилик тизимининг ҳосил бўлиши билан сиёсат ва халқаро алоқалар ҳам мураккаблаша бошлади. Энди қудратли мамлакатлар ер шарига ҳудудлар чекланганлигини тушуна бордилар, натижада мустамлакалар учун курашлар ҳам авж олди. Лекин барчага аёнки, икки давлат ўртасидаги тўғридан – тўғри тўқнашувлар икки томонни ҳам силласини қуриштириши ва учунчи бир давлат томонидан босиб олинишига сабаб бўлиши мумкин эди. Айниқса ўтган асрда қудратли давлатларнинг дунёни қайтадан бўлиб олиш учун, керак бўлса, дунёга тўла эгалик қилиш учун олиб борган ҳаракатлари иккита йирик жаҳон урушини келиб чиқишига сабаб бўлди. Ва инсоният бошига жуда кўп кулфатларни солди. Энди бу даражадаги жаҳон урушларига йўл қўйиш, инсон ўзи турган шохга ўзи болта уруши билан баробар эканлигини тушуниб етди. Лекин инсоният бу ҳақиқатни англаб етган бўлсада, урушларга тўла барҳам бера олгани йўқ, урушлар давом этмоқда, фақат уруш усуллари ва воситалари ўзгарди холос. Бу янги асрда дунёнинг йирик кучлари ўз мақсадларига эришиш учун қонли урушлар, ҳарбий юрушлар ўрнига мафкуравий воситалар ва маънавий “қурол”ларни кўпроқ ишлатишмоқда.

Дарҳақиқат, “Бугунги кунда инсоният қўлида мавжуд бўлган қурол-яроғлар Ер куррасини бир неча бор яксон қилишга етади. Буни ҳаммамиз яхши англаймиз. Лекин ҳозирги замондаги энг катта хавф – инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир. Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган

курашлар кўп нарсани ҳал қилади. Бу аччиқ ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик лозим.”²

Демак, геосиёсатда у ёки бу кучнинг қўли устун келиши тобора мафкура ва маънавият соҳасига боғлиқ бўлиб бормоқда. Шунинг учун ҳам , йирик кучлар томонидан маънавий таназзул ва қашшоқликни ёйиш авж олди, маънавият соҳаси ғоявий кураш майдонига айлана бошлади. Очикдан очик мафкуравий хуружлар кутилган натижани бермагач, геосиёсий кучлар диққат-эътиборни маънавий соҳага қаратдилар.

Шу боис, ҳозирги геополитик рақобат шароитида юртимизга хавф солаётган маънавий таҳдидларни ўз вақтида англаш, маънавий тарғибот ва ташвиқот ишларини замон талабларига мос равишда ташкил этиш долзарб вазифага айланди.

Ўзбекистон республикаси биринчи президенти И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч “номли асарида маънавий таҳдид тушунчасига тўхталар экан : “Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъий назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим, деб ўйлайман.”³

Маънавий таҳдидларни ўз ўрнида ички ва ташқи маънавий таҳдидларга бўлиш мумкин:

1. Ички маънавий таҳдидлар одатда носоғлом маҳаллийчилик, ёнидагиларни менсимаслик, ватандошларини ҳақиқа хийнат қилиш, “маънавий эмиграция”(бахтини ўз ватанидан эмас, ўзга жойлардан қидириш), одамларни бой камбағалга бўлиб муомала қилиш, коррупция, қўполлик, миллатчилик,

² Каримов.И.А. Миллий истиклол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 491.

³ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.- Б.13-14.

ортикча мол – дунёга хирс қўйиш, бефарқлик ва лоқайдлик, ўзлигини англамаслик каби иллатлар шаклида намоён бўлади.

2. Ташқи маънавий таҳдидлар диний экстремизм, терроризм, неокоммунизм, шовинизм, панамерканизм, пантуркизм, панславянизм, космополитизм каби шаклларда намоён бўлади.

Маънавий соҳадаги энг жиддий хатарлардан бири космополитизм яъни, ватансизлик ғоясини тарғиб этишдан иборатдир. Космополитизм – (юнонча сўз бўлиб, “kosmopolites” – “дунё фуқароси” маъносини билдиради) – бутун ер юзини ягона ватан деб, шахснинг ўз туғулган юртига, халқига, давлатига бўлган меҳри, садоқатини сўндирувчи оқим. Ватансизлик, ватан тақдирига бефарқлик, мустақилликни қадрламаслик каби зарарли ғоялар космополитизмга таянади, ўзларини “дунё фуқаролари” деб атайдиган кишилар тоифаси тайёрланади ва уларга яқин келажакда ер юзида умуман ҳеч қандай чегара қолмайди, деган фикр сингдирилади. Ватан бой бўлса севиб, ватан бошига кулфат келганда уни тарк этиш ватансизликнинг кўринишидир. Бу соҳада бузғунчи ғояларни тарғиб этаётган кучлар миллий ғурурни пасайтиришга, Ўзбекистонни обрўсизлантиришга ҳаракат қиладилар. Ўз юртини севмайдиган, миллий ғурури йўқ, ўз тарихидан беҳабар кимсалар қанча кўп бўлса, шу жойда аввал маънавий, кейин мафкуравий, натижада сиёсий ҳукмронлик ўрнатиш осонлашади.

Маънавиятимизга қарши қаратилган ҳар қандай хуруж – бой маънавий меросимизга, асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб келаётган ўзбек халқининг ўзига хос хусусиятларига, миллий ғурур, миллий ифтихор туйғусига, бизни тараққиётга ундайдиган, озод ва фаравон ҳаёт барпо этишдек эзгу мақсадларимизга катта зарба берадиган мудҳиш хавф-хатарларни англатади.

“Бундай тажовузкорона ҳаракатлар бизларга мутлоқо бегона мафкура ва дунёқарашни, аввало, беғубор ёшларимизнинг қалби ва онгига сингдиришга қаратилганлиги билан айниқса, хатарлидир.”⁴

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда дунё аҳолисининг 35 фоизини, Ўзбекистон аҳолисини 60 фоизини ёшлар ташкил қилишини ҳисобга олсак, ҳар қандай маънавий таҳдид нафақат юртимиз, балки, инсоният келажагига катта хавф эканлиги аён бўлади.

Бу хавфни ўз вақтида тушуниб етган Президентимиз Ш. Мирзиёев БМТ бош ассамблеясининг 72 сессиясидаги нутқида ёшларнинг онгу тафаккурини маънавият ва маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифа эканлиги ҳақида жаҳон минбаридан туриб қуйидаги қимматли фикр ва таклифларни билдирдилар : “Бугун дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги кун, фаравонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиш учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим. Шу мунособат билан Ўзбекистон глобаллашув ва ахборот – коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенсияни ишлаб чиқишни таклиф этади.”

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлда қабул қилинган “Маънавий – маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги қарорида: “Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, қабул

⁴ Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.- Б.13-14.

қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат дастурларининг мазмун ва моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш, кенг жамоатчилик, олимлар, мутахассислар, ижодкор зиёлилардан иборат “Маърифат” тарғиботчилари жамиятини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини доимий асосда йўлга қўйиш, дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва ғоявий – мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чуқур ёритиб бориш, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, “оммавий маданият”, наркобизнес ва бошқа таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш, жамиятимизнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилаётган ички таҳдидлар - эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, оилавий қадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик каби ҳолатларга барҳам беришга қаратилган комплекс тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, миллий ғояни юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар, ижтимоий тоифа вакиллари ўртасида кенг тарғиб этиш, бунёдкорлик руҳини ялпи ижтимоий ҳаракатга айлантириш, эртанги кунга ишонч туйғуларини кучайтириш...”⁵ каби бир қатор муҳим ҳаётий вазифаларни зарурлиги кўрсатиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев айтганидек: “Ҳеч қачон унутмайлик, гўзал ва бетакрор Ўзбекистон барчамизники экан, унинг тақдири ва келажаги учун барчамиз маъсулмиз.”⁶ Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуг аجدодларимиз бор. Ва мен ишонаман, Худо хоҳласа, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз ҳам, албатта, бўлади”.⁷

Хуллас, ХХІ аср бошларига келиб, геополитик кучлар ўртасидаги рақобат шу қадар кучайдики, бу жараёнлар кишилиқ жамиятининг турли соҳаларига жиддий таъсир ўтказмоқда. Хусусан, инсон онги учун кураш мисли қўрилмаган

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга қўтариш тўғрисида”ги Қарори. № ПҚ-3160. 2017 йил 28 июль.

⁶ Мирзиёев Ш. М. Юсак таърифларга муносиб замин // Унинг ўзи. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Т.: “Ўзбекистон”, 2017. –Б.406.

⁷ Мирзиёев Ш. М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Т.: “Ўзбекистон”, 2017. –Б.482.

даражада кескинлашди. Бундай шароитда ёшлар маънавий қиёфасини турли таҳдидлардан муҳофаза қилиш умумдавлат аҳамиятига молик долзарб муаммога айланмоқда. Мазкур муаммони мамлакатимиздаги маънавий тарғибот системасини такомиллаштириш ва замонавийлаштириш орқалигина ҳал этиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

¹ Яхшиликков Ж. Муҳаммадиев Н Миллий ғоя – тараққиёт стратегияси. – Т.: Фан, 2017 – 289 – бет.

² Каримов.И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 491.

³ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.- Б.13-14.

⁴ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.- Б.13-14.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги Қарори. № ПҚ-3160. 2017 йил 28 июль.

⁶ Мирзиёев Ш. М. Юксак таърифларга муносиб замин // Унинг ўзи. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Т.: “Ўзбекистон”, 2017. –Б.406.

⁷ Мирзиёев Ш. М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Т.: “Ўзбекистон”, 2017. –Б.482.